

ДИРЕКТОР ҚОНУНДАН ЗЎРМИ?

Суднинг қарорига кўра 1998 йил августида маъмуриятнинг буйруғи бекор қилинди. Аммо шундан кейин ҳам мен ижарага олинган ерга кира олмадим. Директор М.Маҳмудов милиция ходимларини чақиртириб, ишлашимга тўсқинлик қилди, суд қарорини ҳам менсимасди.

3 - БЕТ

БАТАН ЯҒОНАДИР...

Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист София
Сафтарова меҳмонимиз

6 - БЕТ

БИР ФАЛСАФА БОРГА ЎХШАЙДИ...

Ёзувчи Чингиз
Айтматов билан
суҳбат

7 - БЕТ

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
19-25 июль, № 28 (144)



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИДА

ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Тошкент вилоят прокуратурасида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент вилоят прокурори Комилжон Исмоилов олиб борди. Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят прокурори К.Исмоиловнинг «Вилоят прокуратурасининг ярим йиллик иш якуналари ҳамда вилоятда қонунчиликни таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

Маърузачи ярим йиллик иш якуналарига тўхталар экан, вилоятда қонунчиликнинг таъминланиши, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ижроси устидан прокурорлик назоратининг яхшиланаётганини таъкидлади. Бироқ қилинаётган амалий ишлар билан биргаликда бу борада қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлигини рўй-рост айтиш керак.

Олмалик шаҳри, Пискент, Зангиота, Бўстонлик, Тошкент туманлари прокурорлари маърузада қайд этиб ўтилган камчиликлар юзасидан тушунтириш бердилар.

Шунингдек, ишда йўл қўйган камчиликлар учун айрим шахар ва туман прокурорлари қаттиқ огоҳлантирилди.

Ҳайъат йиғилишида прокуратура фаолиятининг барча йўналишларида олиб борилган ишлар ўз-ўзини танқид руҳида атрофлича муҳокама этилиб, камчиликларни бартараф этиш, прокуратура фаолиятини ислохотлар даври талаблари даражасига кўтариш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда иккинчи ярим йиллик иш режалари белгилаб олинди.

Ҳайъат йиғилишида Республика Прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи Х.Маҳмудов иштирок этди ва сўзга чиқди.

(Ўз мухбиримиз)

СПОРТ

ЎЗБЕК КУРАШИ ЧЕМПИОН БЎЛДИ!

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўзбек кураши бўйича иккинчи жаҳон чемпионати нихоясига етди. Унда дунёнинг бешта китъасидан полвонлар иштирок этишди.

73 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Махтумқули Маҳмудов, 90 килограммда эса яна бир вакилимиз Баҳром Авазовлар олтин медалларни қўлга киритишди. Энг оғир вазнда гиламга тушган Эрали Маҳмарасуловга бу гал омад кулиб боқмади. Ушбу вазн тоифасида туркиялик спортчи Салим Татар ўғли шохсупанинг биринчи поғонасини банд қилди.


Тошкент аэропортида голиб пол-

вонларни кутиб олиш маросими бўлди.

Бутун вужудда ифтихор туйғулари кўриниб турган муҳлислар, чемпионларни карнай-сурнай садо-лари остида анвойи гуллар билан қарши олишди.

— Албатта, иккита курашчимизнинг олтин медални қўлга киритиши барча учун қувончли, — дейди Халқаро кураш ассоциацияси президенти К.Юсупов.

— Эътиборли жиҳати шундаки, чемпионат Ватанимиздан олисда катта қизиқиш ва юксак савияда ўтди. Яна қайта ва баралла айта-миз: ўзбек кураши чемпион бўлди.



Самарқанд сайқали рўйи заминдир.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 30 июндаги 250-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ваколатли банкларининг алмаштириш шохобчалари орқали Ўзбекистон Рес-

публикаси резидентларига нақд хорижий валюта сотишнинг чекланган миқдорини 2000 йил 15 июлдан бошлаб 500 АҚШ долларигача кўпайтириш тўғрисидаги тақлифга розилик берилди. Эндиликда ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчаларида нақд хорижий валюта Ўзбекистон Республикаси резидентларига паспорт кўрсатилган ва хорижий давлатнинг кириш визаси, авиация ёки темир йўл чипталари мавжуд бўлган тақдирда 500 АҚШ долларигача сотилади.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ

УШБУ СЕНИДА

САМАРҚАНД

ВИЛОЯТ

ПРОКУРАТУРА

ИДОРАЛАРИ

ФАОЛИЯТИДАН

ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ

МАҚОЛАЛАР БИЛАН

ТАНИШАСИЗ.

«ҲУКУҚ»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:**А.АБДУРАЗЗОҚОВ****Таҳрир ҳайъати:**

Мэлс Наимов,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Комилжон Исмоилов,
Дилшод Исмоилов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Ғуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланishi мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширимиздан кўчириб
босилганда «Ҳуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютеридида саҳифаланди.

«Ҳуқуқ» оригинал-макет

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 652
Нусхаси — 11613

Босмаҳонага топшириш
вақти 20.00
Босмаҳонага
топширилди 19.00

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи муҳаррир:
Ж.ШАРОФБЕКОВ
Навбатчи: Н.МАХМУДОВ

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

**МУСТАҚИЛЛИК ВА ПРОКУРАТУРА****ИШГА
ЯНГИЧА ЁНДАШУВ**

Прокуратура тизими ҳозирги кунда Президенти-мизнинг халқчил сиёсатидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини такомиллаштириб, янгича ёндашув билан ишлаётганини чекка қишлоқларда яшаётган оддий одамлар ҳам кўриб, сезиб туришибди. Прокуратуранинг халқ орасига кириб бораётгани, прокуратура идораларига ўзининг йигитлик даврини, умрининг мазмунини бағишлаган ва қариллик наъида-сини сураётган мендек нафақадорни ҳам қувонтиради.

Биз мустабид тузум даврида ишладик. Имкони бори-ча фаолиятимизни эзгуликка, адолат мезонини мустахкамлашга қаратдик. Лекин жамиятга, тузумга, ахволни яхшилашга ўзимиз хоҳлагандай таъсир кўрсата олмадик, чунки ҳаммаси Москвадан бошқариларди.

Ҳозирги ҳамкасбларимга ҳавасим келади. Улар давлатимизнинг мустақиллигини мустахкамлашга, ўз Конституциямиз даражасида фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тула имконият яратилган даврда ишламоқдалар.

Назаримда, биз, прокурорларнинг камчиликларимиздан бири — мустабид тузум даврида талаб қилишгандек, кабинетдан чиқмай ишлаб халқдан ажраб қолганимиздир.

Вилоятимизда прокуратура идоралари томонидан жуда хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мулоқотларимиздан билишимча, рақамий кўрсаткичлар кетидан қувишдек салбий амалиётдан воз кечилган. Энг асосийси, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бош мезон қилиб олинган. Прокурор назорати билан вазиятнинг ўз вақтида илғай билиш, қонунбузилиш ҳолатининг олдини олиш, бу билан халққа, давлатга ва жамиятга наф келтириш, одамларни интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишдан сақлаб қолишга эришишга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, июнь-июль ойларида пахта экинларининг ҳашарот билан зарарланиш ҳолати текширилиб, ҳақиқатда зарарланган майдонларни аниқлаш ва қимёвий дорилар билан ишлов бериб, пахта экинларини сақлаб қолишга муносабат билдирилди. Айрим ҳўжаликлардаги лоқайдликка йўл қўётган деҳқонлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш идоралари ҳодимлари ҳаракатга тушиб қолишди. Прокурорнинг ўз вақтидаги муносабати менимча, қандайдир даражада бўлса-да, пахтанинг ҳашоротлардан зарарланишини олдини олишга, бу ишларга масъул раҳбар ва мутахассисларни эса жавобгарликдан сақлаб қолишга таъсир қилди. Вилоятимизда прокурорлар томонидан халқ ичига кириб боришга қаратилган қўллаб-таътир бўлган ўзгаришлардан, савол-жавоблар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонунийлиги тушунириш ишлари сезиларли даражада жонланиб кетди. Чекка қишлоқларга прокурорларнинг етиб бориши, одамлардан «ҳалингиз қалай, нима муаммоларингиз бор, қандай ердამимиз керак» деб сураб, очик мулоқотлар ўтказилиши, муаммоларнинг ечимини топишга қонун кучи билан эришишга ҳаракат қилинаётганлиги одамларда катта умид ва ишонч уйғотмоқда. Учрашуларда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга оид қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари ижросининг ахволи чуқур таҳлил қилинган ҳолда фуқаролар онгига етказилаётгани, одамларнинг ўз ҳуқуқларини, белгиланган имтиёз ва ижтимоий муҳофазаларини билиши ва фойдалана олиши даражасини оширишга ҳаракат қилинаётгани ибобий ўзгаришлардан даража беради.

Ўзимга ўзим савол бераман: «Вазифа ва мақсадни аниқ белгилаб олишга, халқ ичига кириб боришга, унинг дарди, ҳасрати, муаммосини ечишга ва малҳам бўлишга нега аввалроқ уринилмади экан? Қанча кунлар, ойлар, йиллар ва имкониятлар бой берилди». Назаримда Республика Прокуратураси раҳбариятида бўлган ўзгаришлардан кейин жойларда прокурорлар ўз фаолиятини бугунги кун талаби даражасида шакллантириб, халқпарварликка қўпроқ эътибор қаратилаётгани кўзга ташланмоқда.

Хайрли ва эзгу ишларингиз янада кўпайсин дегим келади.

Умаржон ЙҮЛДОШЕВ,
прокуратура фахрийси

ЙИФИЛИШ ВА СЕМИНАР

Яқинда Асака шаҳар прокуратурасида Андиқон вилоят прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгашда вилоят прокуратура идораларининг қонунчилиги мустахкамлаш ва жиноятчиллигини олдини олиш бора-сида жорий йилнинг биринчи ярми йиллигида амалга оширган ишлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят прокурори У.Шамсиев маъруза қилиб, эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Шу куннинг ўзида Асака шаҳар ва туман прокуратурасида прокурор-тергов ҳодимларининг касб маҳоратини ошириш, иш юритишни ташкил этиш ҳамда прокуратура фаолиятининг барча баҳаларига бағишланган кўргазмали амалий семинар ҳам ўтказилди.

Суратларда: Семинар ва ҳайъат йиғилишидан лавҳалар.
Матн ва суратлар муаллифи Р.НУРИНБЕКОВ

ПОРАХҲУРЛИК — ИЛАТ

Орамизда ўз мансаби, ҳизмат вазифасидан фойдаланиб жинояткорона йўл билан даромад топишни мақсад қилиб олган кимсалар ҳам бор. Бундай одамлар порахўр деб аталади. Бировларнинг пешона тери эвазига топишган маблағ ҳисобидан ҳамён қалпайтираётган ёки бошқача қилиб айтганда, «маданий қароқчилик» билан шугулланаётган порахўрлар ҳақида тўхталишдан олдин ҳаром ва ҳалоллик тушунчалари ҳусусида сўз юритайлик.

Ҳадисларда «ҳар бир мўмин мусулмон даромадини ўз оиласи, бола-чакалари билан баҳам кўриб, агар оиласидан орттисра, қариндош-уруғларига, ундан ҳам ортса етим-есирларга улашсин», дейилган. Қолаверса, Оллоҳ берган насибага шукрона қилиб, «оз бўлса ҳам кўпнинг баракасини берсин», дея бориға қаноат қилиш энг яхши инсоний фазилатлардан бири ҳисобланади. Топганидан кўнгли тўлмай, нафс қулига айланганлар эса қуфат қўланкасида қолади.

ҲАРОМ ЛУҚМА

Сир эмаски, порахўрлик жиноят ақсарият ҳолларда мансабдор шахслар ёки масъул вазифадаги ҳодимлар томонидан содир этилади. Кузатишлардан маълум бўлишича, юртимизда ишбилармонлар, тадбиркорлар фаолиятига кенг йўл очилиши билан биргаликда уларга нисбатан қилинаётган таъмагирлик ҳаракатлари ҳам бирмунча ўсган. Бундай ҳолатлар баъзан Ички ишлар, бошқона ёки солиқ инспекцияси ҳодимлари томонидан ҳам содир этилмоқда. Қонун муҳофазачиси бўлатириб, қонунга хилоф иш тутаетган виждонсизлар ҳамма жойда, жумладан Қорақалпоғистонда ҳам учраб туради. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура идоралари томонидан ҳавола этилаётган қуйидаги мисоллар фикримизга далил бўла олади.

Ҳўжайли тумани ИИБнинг терговчиси Е.Бердиевга наватбадаги «иш» топширилди. Е.Бердиевнинг тили билан айтганда «ерунда иш». Айбланувчига қаттиқ эҳтиёт чораси қўлланмаса ҳам бўлади. Аммо терговчи қилмишидан минг бор пушаймон бўлиб турган бечоранинг зигирдай жиноятидан фил «сади»: «Иложини қилсанг, тилхат орқали оқсига қолсан. Агар қилполмасанг, қамоқда чириб кетасан». Айбланувчи «иложини қилишга мажбур бўлди. Е.Бердиев эса бу ҳаракатлари билан ўзи қамоққа йўл олаётганлигини ҳаёлга келтирмасди. У айбланувчидан қелишган пўлни олаётган вақтда ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари томонидан қўлга олинди.

Тўртқўл туманида жойлашган 9-сонли божхона постининг бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Қодир Юсупов тадбиркорлар «ҳомийси» сифатида танилди. Унинг «ҳомий»лиги ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларини қизиктириб қолди. Кўп ўтмай, бошлик вазифасини бажарувчининг қўли очик эмас, чўнтаги очик «ҳомий» эканлиги аён бўлди. Жумладан, унинг Ю.Матсафоевдан чет эл давлатига олиб бораётган махсуслотларини ҳужжатлаштириш учун 60 минг сўмни, фуқаро А.Тангрибергеновдан Россиядан олиб келаётган «KaMA3 - 5311»-русумли автомашинасини ҳужжатлаштиргани

Шуманай тумани ДСИнинг бўлим бошлиғи М.Абдуллаев тумандаги «Деҳқон бозори»да А.Ўлдошев деган тадбиркордан 3000 сўм пўлни ҳамкасби Ж.Канназаров орқали пора сифатида олаётганда ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари томонидан ушланган. Фуқаро О.Сотимбеков Ҳўжайли тумани БТИ бошлиғи бўлиб ишлаган. У фуқаро Г.Уббеванинг турмуш ўртоғига қарашли уйни унинг номига қайта ҳужжатлаштириш учун 35000 сўм пора сураган. Ушбу туманнинг Ижтимоий таъминот бўлими сектор бошлиғи О.Одилов ҳам ҳизмат лавозимидан фойдаланиб, фуқаро К.Есемуродованинг пенсия пўлини ошириб бериш мақсадида ундан 3000 сўм пора олганлиги учун суд ҳукми билан 6 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Юқоридаги жиноятлар билан танишиб, улар айрим вақолатли шахсларнинг ўз хизмат бурчларини сотишлари натижасида содир этилганлигини англаган бўлсангиз керак. Энди ўйлаб кўринг, ўз виждонини, давлат билдирган ишончнинг сотишдан ҳам шармандали нарсас борми? Ана шундай жирканч ишларга қўл урган хизматкорларни тубдан кимсалар деб атагим келади. Бундайларга эса давлат идораларида жой бўлмаслиги керак. Бизнинг фаолиятимиз ҳам мана шу мақсадга эришишга қаратилган.

Н.БАУБЕКОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратурасининг
прокуратура идораларида терговни
назорат қилиш бўлими бошлиғи

ОҚ ЙҮЛ, БИТИРУВЧИЛАР!**ВАТАН ОСОЙИШТАЛИГИ ЙҮЛИДА**

Яқинда Тошкентдаги Марказий, офицерлар уйида Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясининг наватбадаги битирувчиларни хизмат жойларига кузатишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мудоффа вазирлиги ва маъзурак академия раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Мудоффа вазири, генерал-лейтенант Ю.Аъзамов битирувчиларни академияни муваффақиятли битирганликлари билан самимий қўтлаб, уларга Ватанимизнинг миллий хавфсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли, шу билан бига шарафли ишларида муваффақиятлар тилади.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан майор О.Раҳмонов ҳарбий хизматчиларга кўрсатилган доимий ҳамаҳурилик учун ҳуқуқимизни, шахсан Президентимизга ва халқимизга чуқур миннатдорчилик билдириб, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ишига сарфат билан хизмат қилаётганларни таъкидлади.

Акс-садо

Мададталаб мактуб

Таҳририятдан:

■ «Хукук»қа жавоб келди

Миннатдорчилик

ФАРЗАНД ДОФИНИ КЎРМАНГ!

Илоё, болаларининг роҳатини кўришсин.
Турсуной ХИЛОЛОВА, Сирдарё вилояти

Акс-садо

**«ЖИНОЯТНИ ЯШИРИШ
ҲАМ ЖИНОЯТ»**
МАКОЛАСИНИ ЎҚИБ

· **Ф.ХАЛИЛОВ,**
ХҮКҮКШҮНОС

ТАХРИРИЯТДАН

Хукуқ муштарийларидан ҳар кун илб ҳат ва мактублар олади. Ростини айтганда, таҳририятга келётган хатларнинг бир қисmini ариза ва шикоятлар ташкил этади. Кези келганда шу нарсани айтиб ўтмоқчимизки, таҳририятдаги ҳар бир хатта жиддий ёндошилади, ваколат доирасида ўрганилади ёки тегишли идораларга йўлланади. Айрим муштарийларимиз ҳам «Хукуқ»га ёзган шикоятларини бири-ўла яна 4-5 идорага йўллайдилар, баъзиларида ҳам аризаларнинг исм-фамиласи, манзили тўлиқ кўрсатилмайдилар. Бундай хатлар билан ишлаш таҳририятга маълум муаммоларни келтириб чиқаради. Шикоят эгалари аса бизга йўллаган аризаларининг тақдирин билан қизиқиб яна мактуб йўллашади. Шу сабабдан ариза, шикоятларни йўллашда исм-фамилянинг, манзилнингизни тўлиқ кўрсатишингизни, таҳририятимизга йўллаган хатингиз бўйича биздан жавоб олмасдан туриб, бошқа идораларга мурожаат этмаслигини сўраймиз.



САҲИФАЛАРИМИЗДА:

САМАРҚАНД

ВИЛОЯТ

ПРОКУРАТУРА

ИДОРАЛАРИ

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

БАНКРОТЛИК ЁҚАСИДА

Сиб туман прокуратураси томонидан 286-сонли ҳужжаликлари махсус механизациялашган кўча колоннасида умумий назорат тартибда Республика Президентининг тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўла-наши учун вазирликлар, идоралар ва ҳужалик йўритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан кўшма чора-тадбирлар тўғрисида» қарорининг ижроси тегишлири. Корхона раҳбари И.Содиқов ва бош ҳисобчи Ҳ.Мамажабов ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, жуда кўп миқдорда дебитор, кредитор қарзлар, шунингдек, муддати ўтган қарзлар вужудга келишига йўл қўйганлар. Бунинг устига қарзларни ундириш юзасидан амалий чора-тадбирлар қўришмаган. Ишчиларнинг 1999 йил январь ойидан ҳисобланган 714077 сўм миқдоридagi иш ҳақининг 305485 сўми натура шаклида берилиб, қолган иш ҳақи тўланмаган. Натижада И.Содиқов ва Ҳ.Мамажабовларга нисбатан ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва суд ҳукми билан икки йил муддатга ахлоқ тўлатиш ишлари тайинланди. Бундан ташқари, шу ташкилотда яна бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Мансабдор шахслар 1999 йилнинг декабрь ойида 122393 сўм миқдоридagi товар-моддий бойликларни ўзлаштириб юборишган. Бунинг устига корхона 1998-1999 йиллар давомида кам қувватда ишлаб, ишчи ва хизматчиларнинг 50 фоизи иш билан таъминланмаган. Иш ҳақи учун маблаглардан 77400 сўми бошқа мақсадларга сарфланиб, иш ҳақидан қарзлар, давлат бюджети олдидаги мажбурий тўловлар миқдори тобора ортиб бораган. Оқибатда корхона банкрот ҳолатига келиб қолган.

Ушбу ҳолат юзасидан Республика прокуратураси томонидан қўзғатилган жиноят иши тергов қилиниб, корхона оғир мудир Фаёзжон Носиров ЖКнинг тегишли моддалари билан айбланиб ва унга суд ҳукми билан 87500 сўм миқдорида жарама солинди.

Максуд ТИЛАВОВ,
Сиб туман прокурори

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

ФАОЛЛАР НЕГА ЖИМ?

Бемаҳалда Шавкий мавзеидаги хонадонлардан бирининг эшиги узлуксиз тақиллаб қолди. Кўп ўтмай эшик ёнида аёл кишининг чўзиқ овози эшитилди:

— Ким у?

— Биз — «клиентларингиз»-дан. Самогон керак эди.

Бемаҳалдаги бу таширф хонадон соҳибаси В.Москалёвани заррача ранжитгани йўқ. Негаки, шаҳар марказида очикдан-очик қўлбола ароқ тайёрлаб сотаётган аёлнинг омади-ю, баракаси ана шундай «клиентлари» билан эди.

Кулф қалити тескари буралиб эшик очилиши билан барзандай икки киши ичкарига ёпирилишди. Босқинчилар дастлаб хонадон соҳибасининг бошига зарб билан уриб, ҳолсизлантиришди. Сўнгра уни бўйнидан бўғиб, тинчтишган, марҳумга тегишли бўлган буюмлар, пуллар ва қимматбаҳо тақинчқларни олиб, воқеа жойидан тезда гойиб бўлишди.

ЁХУД «ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИДА БЕПАРВОЛИК ҲУҚМОН

Биз бугун мушоҳада юритмоқчи бўлган фикрларимизни бежизга айна ана шу воқеадан бошламадик. Негаки, шаҳарнинг Шавкий мавзеини ўз ичига олган «Дўстлик» маҳалласи ҳудудида бунга ўхшаш кўнгилсизлик ва бошқа қонунбузарликлар тез-тез юз бериб туради. Биргина ўтган 1999 йилни таҳлил қиладиган бўлсак, маҳалла ҳудудида 17 та жиноят содир этилди. А.Холмуродов, Т.Узоқов, У.Нурматов, Б.Жўраев, А.Минакаева, Р.Меникаевлар ўғирлик, К.Қурбонов, Л.Равшанова, У.Рустамов, Б.Мирзаевлар

баданга қасддан шикаст етказиш, З.Салоҳиддинов, Х.Абдулмановлар эса гивандлик жиноятларини содир этганлиқда айбландилар.

Хусусан, Шавкий мавзеи 34-уй 4-хонадонда яшовчи Г.Шаповалова ўтган йил август ойида қўлбола спирт ишлаб чиқарганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиб, унинг ихтиёридаги ноқонуний сақланган мосламалар мусодара қилинган эди. Жорий йилнинг февраль ойида у гайриқонуний ишни яна такрорлади. Бу билан у ўзига-ўзи ташвиш ортириб олди, холос.

Ифат, қадр ва ҳаёни пулга чақшига ўрганган Мавжуда Жумаева ҳам Шавкий мавзеида яшайди. Бойлик ортиришнинг жирканч усулини танлаган бу кўшмачи аёл ўз уйида фоҳишахона очиб олган.

Уларнинг қилмишларига баҳо бераркансан, ўйланиб қолсан киши. Маҳалла ҳудудидаги хонадонларда истиқомат қиладиган айрим фуқароларнинг мўмай пул топишга муккасидан берилиб, қонунбузарликларга йўл очиб бераётганлиги наҳотки ҳеч кимни ташвишга солмаса? Модомики, қўни-қўшнилар, хурматли оқсоқоллар «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш тутшини лозим қўришган экан, участка нозир ва бошқа жамоатчилик вакиллари қаерга қарашаптир? «Маҳаллагиздан жиноятчи қийбиди», деган гапни эшитишдан ёмон бўлмас керак.

Халқимизда «Отан-маҳалла, онанг-маҳалла», деган ибора бежиз айтилмаган. Ҳар бир фуқаро ўз гузари, ўз маҳалласи шаҳн-шўҳрати учун масъуллиқ ҳиссини доимо сезиб яшашини истардик.

Омон ЭШҚОБИЛОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокурори

ТАДБИРКОРАИК ВА ҚОНУН

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришга ҳар жиҳатдан кенг йўл очиб берилди. Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Дастурхонимиз тўқинлиги, юртимизнинг эртанги раванкига муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармонларимизнинг қўлга киритаётган ютуқларидан дилларимизда фахр тўйуси жўш уради. Аммо, беш бармоқни баробар деб бўлмайдик. Иқтисод «уйинлари»ни сув қилиб ичган, кўзи «олди-сотди»да пишган айрим «ишбилармонлар» қандай бўлмасин тезроқ бойиш ҳирсига асир бўлиб қолмоқдалар.

БОШГА БАЛО МИЛЛИОНЛАР

Асли пасдарғомлик Убайдулла Тўраев Самарқанд шаҳар «Мустафо» хусусий корхонаси директори курсисига ўтирди-ю, миёсида юз бир галаён бошланди. У корхонани оёқга турғазини ўрнига ўз маффаатини ўйлаб иш қўрайдиган бўлиб қолди.

Пул-пулни топади, деганлар ҳақ. Убайдулланинг журъат қилиб бошлаган дастлабки катта «иш» Бухоро шаҳридаги «Ўттам Ко» хусусий фирмаси билан бўлди. У фирмдан шартномавий ҳужжатлар асосида 1997 йил 9 декабрь куни 4.287.050 сўмлик қурилиш материалларини олади. Уларни корхонага қирим қилмасдан номаълум шахсларга нақд пулга сотади. Пуллари эса ўйламай-нетмай ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади. Материалларни қўш қўллаб тўтказган «Ўттам Ко» фирмаси раҳбари эса пулини ололмай хуноб бўлади.

Устаси фаранг «тадбиркор» яна ўз жиноятларини давом эттира бошлади. Самарқанд туманидаги жаржиклоқлик фуқаролар Давронов ва Розиковлардан ўзаро шартнома асосида 15200 килограмм майиз олади. Шунингдек, Тўлоқ тумани «Давлатобод» жамоа ҳўжалигида яшовчи Абдусамат Эшмуродов, Нажмиддин Рўзимуродов, Холмирза Эргашевлардан ҳам 16 тонна майизни насияга олади. Маълум муддатга қарзга олинган ана шу катта миқдордаги маҳсулотлар «Мустафо» корхонасига қирим-қичим қилинмасдан белоруссиялик хусусий тадбиркор Чура Степанга етказиб берилади. Чурадан эса ўз наватидида маҳсулот қийматига тенг миқдорда камёб газ ускуналари ва ўлчагич (счётчик)лар, тўрхалталар, плёнкалар, турли эҳтиёт қисмлари олиб келинади. Қизғини шундаки, 151200 сўмлик тўрхалталардан бошқа барча товарлар бозор кўтарган нархларда сотилиб, пули Убайдулланинг чўнтағидан жой олаверади. Товарлар вилот божхонаси рўйхатидан ўтказилмаганлиги бос жами 1 миллион сўмлик бож ва бошқа мажбурий тўловлар қасддан тўланмай келинган.

Булар ҳали холва. У.Тўраев «Туя минсанг - олсини қўзла» қабилида ноқонуний хатти-ҳаракатларини давом эттираверди. Белоруссиянинг «Гомельдрен» корхонасидан ҳужжат асосида 415 яшиқ, яъни, 71185 сўмлик гўгурларни божхона рўйхатидан ўтказмасдан Самарқанд шаҳрига келтириб сотади ва жами 157005 сўмлик бож ва бошқа мажбурий тўловларни четлаб ўтади.

Яқинда тижоратда қаллоблик йўлига ўтиб олган Убайдулланинг бу хилдаги нопок ҳаракатларига чек қўйилди. Унинг «иши» Самарқанд вилот судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати очик суд мажлисида қўриб чиқилди.

У.Тўраев ЖКнинг қатор тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Шунингдек, суд Убайдуллани «Ўттам Ко» фирмаси фойдасига 4.287050 сўм, И.Давронов, А.Эшмуродов, Х.Розиков, А.Рўзиев, Х.Эргашевлар фойдасига 5.492000 сўм, Самарқанд вилот божхона бошқармаси фойдасига 1.323992 сўм ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Файрат ҲАМРОКУЛОВ,
Самарқанд вилот прокуратурасининг ташқи
иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-тарож
ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш
бўлими катта терговчиси

СУРАТГА АХБОРОТ

ҚОНУН ҲИМОЯЧИЛАРИ УЧУН



Богешамол туманида қонун ҳимоячилари учун яна бир қўлайлик яратиб берилди. Туман прокуратурасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни вилот янги қаттибда уй-жой қурилиши бошқармасига қарашли «Жайхун» кўп тармоқли қурилиш фирмаси қуриб битказди. Қурилиш-монтаж ишларига «СУ-3» ва «Олимпон» фирмаларининг бунёдкорлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Янги бинони фойдаланишга топширишга бағишланган тантанавда вилот ҳокими Э.Рўзиев ва вилот прокурори А.Хусановлар иштирок этишди.

— Янги бино фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик тўйи арафасида биз учун катта тўғфа бўлди, — дейди биз билан суҳбатда туман прокурори Шўҳрат ака Сатторов. — Ҳар бир ҳодимимиз учун алоҳида хоналар, мажлислар зали, криминалистика, қонунлари мужассамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи ҳамда дам олиш хоналари барча қўлайликларга эга. Шунингдек, хоналар учун компьютер, янги мебел ва бошқа зарур жиҳозлар ҳам харид қилинган. Бир сўз билан айтганда, жиноятчиликнинг олдини олиш, қонун устиворлигини таъминлаш борасида астойдил ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Сархатилла ҲАЛИЛОВ

Суратда: Богешамол тумани прокуратураси янги биноси

СУҒ СЕНГА!

НИҒМАТУЛЛАНИНГ НАҒМАСИ

Оиласи билан ажрашган ва ҳеч қаерда ишламайдиган Ниғматилланинг бир эмас, кўп қилиқлари бор экан. Марҳумларнинг руҳини топташга ўтган бу кимсанинг қилмиш-и эшитган қишлоқдошлари ғазабга келдилар. Унинг шаънига ёғилган таъки-лаънатни-ку, сўраб ўтирмган. Воқеа бундай бўлган...

Ниғматилла Равшанов шу йил 4 январдан 5 январга ўтар кечаси спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст ҳолда Янгиқўрғон қишлоғининг қабристонига боради. Ароқнинг таъсирида Ниғматилла қабристондаги 19 та қабростини ийқитиб, марҳумларнинг суратларини синдириб ташлайди. Телбаларча ўз «ишига» берилиб кетган Ниғматилла амалиси ва хатто отасининг қаб-

рларини ҳам аяб ўтирмади...

Суд эса Ниғматилланинг бу хатти-ҳаракатини жазосиз қолдирмади. Айбланувчи Жиноят Кодексининг 134-ва 277-моддаси 1-қисмига асосан, жавобгар деб топилиб, 4 йил озодликдан маҳрум қилинди.


Тўри, судланувчининг ака-укалари қабростини тиклашди, келтирилган зарарларнинг ўрнини тўлдирди. Аммо юракларга яна қайтадан етказилган маънавий озорнинг ўрнини нима қоплайди? Бу - мусулмончиликнинг қайси бир рисо-ласида ёзилган экан? Ниғматилланинг «нағма»сини яна қандайдир бебеш такрорлашга йўл қўймайлик.

Йўлдош СУЮНОВ,
хуқуқшунос

Самарқанд нонлари дунёга машҳур

ХОНАНДА СЎЗ СЎРАЙДИ

ВАТАН ЯҶОНАДИР...



Модомики, ҳуқуқий демократик давлат қураб эканмиз, бу йўлда миллий мафкура, маънавият, миллий ўзликни англашнинг аҳамияти беқийсдир. Энг аввало, вужудимизда она — Ватанга, унинг ҳар сиқим тупроғига бўлган муҳаббат барчада бирдай жўш урмоғи лозим, деб ўйлайман. Табиат ана шу туйғуларни қалбимга битмас қўшиқ қилиб солганидан бениҳоя бахтиёрман.

Халқ юрагига йўл топишда қўшиқнинг таъсири бошқача бўларкан. Қалбимда сирли қўшиқларга ошфоталик жуда эрта бошланган. Хоразмлик хонанда Султонпошша Ўдаева ойнаижаҳон орқали ижро этган «Сабо билан», «Қўшиқ айтиб», «Давра таронаси», «Онажоним» қўшиқларини бандма-банд ёд олиб, катта-катта санъат байрамларида ижро этиб юрдим. Иқтидоримни сезган акам Саиджон танлаган шеърларимга куй басталашда ёрдам берарди. Унинг кўмағида ижро этган «Ёшлигим», «Регистон», «Унутмагин мени» сингари қўшиқларим мендек бир жажжи қизалоқ учун қутилмаган олқишлар олиб келди.

Бир куни қўлимга таниқли шоира Хосият Бобомуродованинг «Мен узган гуллар» китоби тушиб қолди. Айниқса, ундаги равон ва мазмундор ёзилган «Бевафодан кечайин»

шеъри таъбимга жуда-жуда мос тушди. Буни ҳали-ҳамон репертуаримдаги энг қувноқ ялла сифатида севиб ижро этаман.

Хосият опанинг «Бормисан, ўзбек!» китоби чоп этилаётганини эшитгач, унинг ёнига йўл олдим. Дилдан узоқ суҳбатлашдик. Фикримиздаги муштараклики сезиб, янада илҳомландим. Орадан кўп ўтмай Насиба Мадрахимова сахналаштирган «Ватан ягонадир» композицияси дунёга келди. 1995 йил кенг кўламдаги шодибёнага айланиб кетган мамлакатимиз мустақиллиги тантаналарида, Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивали ҳамда бошқа қўшиқ байрамларида бу қўшиқ менинг чинакам ҳамроҳимга айланиб қолди.

Гоҳида устозларим, санъати элга манзур бўлган таниқли санъаткорлар билан суҳбатлашиб қоламан. Улар менга ҳамжихатлиқда гап

кўпчилигини айтишиб, пойтахтга кўчиб келишимни маслаҳат беришади. Бир ҳисобда улар ҳақ. Бироқ, неча бор бу тўғрида ўйлаб кўрмайин, осмонда ёрқин юлдузлар порлаб турувчи азим Самарқандсиз яшай олмаслигини ҳис этаман.

Ўтган йили давлатимиз томонидан камтарона меҳнатларим инобатга олиниб, менга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. Қарздорлик ҳисси мени умр бўйи юрт саодатини қуйлашга чорлайди.

Азизлар, қаерда бўлманг, тугилиб ўсган қадрдон масканингиз Сиз учун саждагоҳ каби муқаддас маскан бўлиб қолаверади. Келинг, шу қудратли туйғунга яна бир бор қалбдан англамоқ учун Хосият опа мисраларини дилдан ўтказайлик:

Дерлар, ширин сўзинг гадолари кўп,
Ениб турган кўзинг адолати кўп,
Юртлар бор хаттоки худолари кўп,
Ватан ягонадир, Ватан биттадир...

София САФТАРОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

«Энг долзарб вазифаларимиздан бири — барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглиги ва қонун устиворлигини, жамият манфатлари ва аҳоли хавфсизлигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни барпо этиш». Каттақўрғон шаҳри фаоллари даврасида ўтказилган «Диний экстремизм, терроризм ва ғиёвандликнинг жамиятимиз тарққиётига таҳдиди» мавзусидаги илмий-амалий конференция муқтарам юртбошимиз баён этган ҳудди ана шу фикрлар билан бошланди.

СОҒЛОМ АВЛОД — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Илмий-амалий конференцияни Каттақўрғон шаҳар ҳокими Талъат Ҳамидов қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сўз олган ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори, доцент Узоқ Бозоров, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоат бирлашмалари бўйича Бошқарма бошлиги ўринбосари Жалол Абдусатторов, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиги ўринбосари Хайриддин Файзиев, вилоят бош имом хатиби ҳожи Усмонхон Олимов виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуннинг ижроси, диний экстремизм ва унинг салбий оқибатлари, Ҳизбут-таҳрир ва ваҳҳобийликнинг келиб чиқиш тарихи масалаларига атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Шунингдек, илмий-амалий конференцияда Самарқанд вилояти прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиги, адлия маслаҳатчиси Хуршид Субхонқуловнинг «Диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида», вилоят ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бўлими катта инспектори, милиция подполковниги Эркин Саидовнинг «Диний экстремизм ва ғиёвандликнинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири ва унинг олдини олиш чоралари» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Савол-жавоб ва мунозаралар билан ўтган конференцияда Каттақўрғон шаҳар Мажидий номлидаги театр жамоаси ижросида, режиссёр Равшан Ёриев сахналаштирган «Ватан қисмати — менинг қисматим» спектаклидан парчалар намойиш этилди.

Мансур ЗОИР

ҚОНУН ҲИМОЯЧИЛАРИ ИЖОДИДАН

АДОЛАТ ТИМСОЛИ

(Нарпай туман судининг биноси олдида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллик тўйига тухфа тариқасида ўрнатилган «Қонун Адолат тарозисида» рамзий ҳайкалга бағишлайман).

Сен бузун тугилдинг мисоли бир зот,
Оптоқ фариштадек қиёфанг мағрур.
«Адолат уйи»га қўшиб салобат,
Тахтли адолатсан, малика масрур.

Қонунни устувор тутмоқлик учун,
Покиза қўлингга тарозу олдинг.
Барчани бир кўзда кўрмоқлик учун,
Қалбни маёқ айлаб тарози солдинг.

Мақсадинг тарозин тўғри ушламоқ,
Яхшилик қилганини севиб хушлашдир.
Адашган кишини йўлга бошламоқ,
Разолатга қарши кескин қурашдир.

Она тимсолида муқаддас, буюқ,
Ҳақнинг ҳимояси сенгадир одат.
Адолат рамзисан — жон қадар суюқ,
Истагинг халқимга бахту саодат.

Мустақиллик учун хизмат қилажак,
Муродинг йўлини ёритгани он.
Қадим Оқтошда адл тўражақ,
«Адолат» тимсолинг сўйдим, Онажон.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Самарқанд вилоят суди раисининг
ўринбосари, II-тоифали судья

«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

ИМКОНиятлар ИЗМИДА

Инсон имкониятлари чексиз ва у вақт ўтиб, маълум тажрибалар ортгани сари намоён бўлиб бораверади, деган гапда, дарҳақиқат, жон бор экан. Худди шундай нисбат турли нашрларга ҳам тааллуқли. Зеро, буларнинг ҳар иккаласи бир бирига боғлиқ нарсалар.

Бу гапларни бекорга келтираётганимиз йўқ, «Қонун ҳимоясида» журналининг навбатдаги сонини арақлаб туриб кўнглимиздан шу хаёллар кечди. Журнал сондан-сонга ўзгариб, пухталашиб, бадиий безак ва техник томондан гўзаллашиб, суратларига ранг кириб борапти. Лекин энг асосийси мақолалар ва уларнинг муаллифларига қўйилаётган талаб ҳам, ўз навбатида уларнинг таҳририят олдидаги масъулиятлари ҳам ортиб бормоқда. Агар мазкур сондаги янги мавзулар, янги руқнлар билан танишсангиз, гапимизга амин бўласиз.

Ушбу сонда миллий мафкура, миллий ғоя ва ҳуқуқий тафаккур мавзулари етакчилик қиладди. Хусусан, «Дунёқараш» руқни остида эълон қилинган муаллиф Ҳ.Абдукаримовнинг мўъжазгина мақоласи шу мавзу таҳлилига бағишланади.

Навбатдаги мақолалар ҳам долзарб ва муҳимлиги билан бир-бирини тўлдириб бораверади. «Нўқтаи назар», «Тавсия» руқнларида муаллифлар ҳуқуқшунослар иш жараёнларида дуч келадиган ҳолатлар юзасидан фикр-мулоҳаза юритиб, ўз тавсияларини, таклифларини билдирганлар.

Журналнинг фаол муаллифларидан О.Окилов бу сафар ҳам амалиёт, ҳам назарий тажрибаларини қиёсий ҳуқуқшуносликнинг объектлари воситасида ўртоқлашган. «Прокуратура ёрдам берди», «Ҳуқуқ оламида хабарлар», «Тафаккур чирғи» каби доимий руқнларда ўқувчилар кутган сатрлар жамланган. «Дил изҳори»да эса, кўплаб ҳуқуқшуносларнинг устози, малакали юрист Вали Қосимовнинг шаънига ёзилган шогирдларининг қалом билан танишасиз. Инсонни яқиндан библиш, унинг қалбига қулоқ солиш, ички кечинмаларини илғаб олиш — инсонни билиш санъати. Шунинг учун ҳам «Ирмоқларни дарёга



айлангирган устоз» очерки катта қизиқиш билан ўқилса ажаб эмас.

Ижтимоий-маиший мавзуларнинг тарбиявий аҳамияти тўғрисида кўп гапирилади. Журналист М.Тўрабоевнинг «Кайнонага қазилган чоқ — унга неваралар қулади» мақоласи ўқувчини ларзага солмай иложи йўқ. Руқн ҳам шунга яраша «Суф сизга!» деб қўйилибди.

«Қилмиш-қидирмиш», «Жиноят, жазо ва мулоҳаза», «Малакали терговдан намуналар», «Бошқарув ва қонунчилигимиз тарихи», «Нигоҳ» руқнларини ёритишда ҳам таҳририят ижодий жамоаси ранг-барангликни сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

С.Равшаннинг янги асари саргузаштларга бойлиги билан сизни ўз оламига сайр қилдиришда давом этади.

Мазкур сонда кишининг диққатини тортган яна бир нарса — муштарийлардан келган мактубларга имкон қадар муносбат билдирилган. Журналнинг навбатдаги сонлари ҳам шу асосга қурилишда давом этишига умид билдирамыз.

Н.МАҲМУДОВ

Internet ХАБАРЛАРИ

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, АВТОМОБИЛЬ!

Йўл ҳавфсизлиги сугурта институтлари тарқатган хабарга кўра, ҳайдовчиларнинг қонидан бузиб, светофорнинг қизил чироғида ўтиб кетиши оқибатида АҚШда ҳар йили 800 га яқин одам вафот этади, 200000 га яқин киши эса турли даражада тан жароҳати олар экан. Хабарда айтилишича, 1992-1998 йиллар мобайнида АҚШда ҳайдовчиларнинг шундай қоидабузарлиги оқибатида 6000 киши ҳаётдан кўз юмган, уларнинг аксариятини пийдалар ва пассажирлар ташкил этар экан. Мана шу йиллар оралиғида қоидабузар ҳайдовчилар «шарофати» билан 1,5 миллион киши тан жароҳати олган. Йўл - транспорт ҳодисаларига ҳайдовчиларнинг «қизил»да ўтиши кўпроқ сабаб бўлар экан. Ва бу ҳодисалар энг кўп талофат ва қурбонларга сабаб бўлмоқда, деб таъкидланади хабарда. АҚШда бу қоидабузарлик бўйича аризоналик ҳайдовчилар «рекорд» даражага эришганлар. Техас ва мичиганлик қоидабузарлар ҳам улардан унчалик қолишмас экан.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА ҲАМ ОСОНМАС

Яқшанба куни россиялик журналист Игорь Домников ваҳшиёна қалтаклашни оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Россия оммавий ахборот воситалари шундай хабар тарқатди. Ўлимига қадар Игорь Домников «Новая газета»да бўлим муҳаррири вазифасида ишлар эди. Уни Москвадаги уйи йўлғида номаълум кишилар шафқатсизларча қалтаклаб кетишган. Бош қисмига қаттиқ жисм билан берилган зарбалар мия фаолиятини издан чиқарган ва ўлимга олиб келган. «Новая газета»нинг муҳаррири Дмитрий Муратовнинг «Эхо Москвы» радиостанциясига берган интервьюсида айтилишича, ушбу иш юзасидан тергов ишлари якунланган. Журналист ҳаётига тажовуз сабаби эса, «Новая газета»даги профессионал фаолияти билан боғлиқ деб кўрсатилмоқда. Ҳаммасларининг фикрига кўра, Домниковга қилинган тажовузга ағлалашимовчилик сабаб бўлган, жиноятчиларнинг мақсади аслида шу уйда истиқомат қилувчи бошқа киши - Россия нефть sanoatidaги коррупция фактлари бўйича текшириш олиб бораётган журналистни йўқотиш бўлган. Нима бўлганда, Дмитрий Холодов, Владислав Листьев ва яна кўплаб марҳум журналистлар рўйхати яна биттага орди.

Тунги Париж одами энтиктириб юборадиган даражада чиройли кўринади. Нафис япроқларини қуёш нурларидан асраб, кун қайтган, минг турли кўрку тароватини аямай, ловуллаб очилган номозшомгулларни эслатувчи ранг-баранг чироқлар пойтахтга ярқироқ латофат бахшида этган эдики, Сена дарёси бўйларига-икки минг йиллар олдин дастлабки гиштлари қўйилган бу шаҳар кўз қамаштирувчи гўзаллик салтанати оғушида ястанарди. Инсон даҳоси яратган энг буюқ санъат дурдоналари ўзида мўжассам дея эътироф этилган Лувр музейи майдонларидан ўтар эканман, Парижнинг ўта мафтункор мавзелиридан бири буюқ бобоколониимиз ҳазрат Захириддин Мухаммад Бобур номлари билан аталиши қалбимни ифтихор туйғуларига билан лиммо-лим этганди. Бизнинг бу мамлакатга сафаримиз қариган, жонажон диёримизга элтувчи самолёт мўлжалдаги тунги соат бирларда учини ва бунга ҳали фурсат борлиги тўғрисида, аэропорт салонларини бамайлихотир, эринчоқлик билан кезардик. Тил билмаслигимиз бизни соқов кишининг ахлоқиға тўшириб қўйган, устига-устак ўзбек тилини, ўзбекча сўзлашишни, ўзбеклар билан хангома қилишни ҳам ақл бовар қилмас даражада ич-ичимиздан соғингандик.

Аэропорт нозирлари Тошкент йўловчиларини чорлаётганини эшитиб, орта бурилар эканман, сафар халтасини кўтариб, самолёт трапи томон юраётган Чингиз Айтматовга кўзим тушиб, бу лаҳзалардаги чексиз қувончим худди тимсолга айланиб, бир шаклга киргандай бўлди. Мен Чингиз Айтматовни эсимни таниганимдан бери яхши кўрардим.

Сочлари оқарган, бўйинларини қалин ажин қоплаган, лекин умумий кўриниши етмиш икки ёшга эслатмайдиган, бўйи баланд, барваста ва қарашлари ниҳоятда савимий бу одамнинг қаршисига юрар эканман, унинг нақадар машхурлиги ёдимга келиб эсанкирайман. Аммо иккилашиб турадиган фурсат эмасди.

— Салом, Чингиз оға!
— Салом, салом!
— Тошкентга келишингизни Одил Ёқубовдан эшитган эдим. Мен Одил ақанинг кичик шогирдларидан бўламан.

Чингиз оға худди эски танишини учратгандай жимлаяди.

— Шогирд бўлсанг, демак, сен ҳам у-бу нарса ёзар экансан-да.

— Э, бизники шунчаки... Ҳозир замон шу қадар тезлашиб кетдики, ўқидан қўл бўшамаяпти, — дейман сўхбат мавзусини сал ўзгартиришни истаб. Машхур одамлар билан гаплашишнинг осон томони шундаки, кўрганда бегонасирамай-сиз.

— Ҳа, ўзгаришлар кўпайиб кетди. Кейинроқ бир кел. Озгина сўхбат қурамиз.

Мен, улуг ўзувчи жойлашиб олгунга қадар қараб турдим, сўнг ўриндиғимни излаб, нари кетдим. Ўзувчининг сўнгги сўзи тун бўйи кўнглимга илиқ бир журъат, қайта қўришиш имкониятига элтувчи сародат бағишлар умидли завқлантирарди.

Тонги соат бешларда, дастхат ёздириб олиш қайфиятида, шу билан бирга мактабни юришларини олдиндан билганим ҳолда, бир талай ўзларини осмон чоғлаб юрадиган баъзи ёш шоир ва ёзувчиларининг китобларини кўтариб олиб, самолётнинг олд қисмига қараб юрдим.

Чингиз Айтматов, сўянмаган ҳолда мудраб ўтирар, боши қуйи эгилган, кўзойнаги бурнининг учиға қадалиб қолганди. Орта тисарилиб, қайтишга шайландим. Лекин қўлидаги газета ерга тушиб кетмаётгани, унинг уйғоклиғидан дарак берарди.

Ниҳоят у кўзини очди ва бироз саросимага тушиб, газеталарни тахлар-тахламас чегга сурди.

— Кел, чирогим!
Энгашиб, икки қўлимни узатдим.

— Узр. Бегозта қилдим.

— Ҳечқиси йўқ. Қўлингга нима?
— Дастхат учун.

Чингиз Айтматов китобларни

ГУРУНГ

таниларди. Энди эса, бу тил ўз вазифасини бажаргиси келмай қолди.

— Ёшлар инглиз тилини яхши ўрганиши лозим. Имкон бўлса инглиз тилида ёзишга чоғланаверса бўлади. Инглиз тилига таржима қилдириб, Европада чоп эттирса, балки бир ижобий натижага эришлар. Лекин, миллий ўзига ҳослик, миллий урф-одатлар умуминсоний ҳақриятлар битан тўлдирилиб, баркамол инсонқиефаси яратилмас экан, у асар бирон жойда муваффақият қозонмайди.

— Назаримда, Фарбада энгилелли асарларга кўпроқ эътибор беришади. Сизнинг асарларингиз эса доимо жиддий ва чуқур фалсафий бўлиб келган.

тимни кўзгатади.

— Наҳотки, ҳозир ислом деганда дунё фақат мана шундай газандаларни тушунмоқда. — Йўқ, албатта. Ер шарии молюкчилигини, ҳамма нарса бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини шундан ҳам билса бўлади-ки, масалан, бугун Америкада саккиз миллион мусулмон аҳл, тинч-тотувликда яшайди. Билл Клинтон президент сифатида ҳар йили ҳайит кунлари аҳли мусулмга зиёфат бериб, муборакбод этади. Зиёфатлардан бирида: «Дунё, мусулмонларнинг дуоси тўғрисида қиёматдан омон турибди», — деган сўзларини газетата ўқиганман. Шахзода Чарльзнинг, «Европа бугунги эришган барча ютуқлари учун исломдан миннатдор бўлиши керак», деган сўзларини фарбадаги ҳар бир одам билди. Хуллас, дунё ҳечқачон бир ёқлама эмас. Бугунги кунда Шарққа, Осиёга Европа маданиятининг, Америка маданиятининг таъсирини ким инкор этади. Бугун, маданият олаимдаги битта янгилик бир лаҳзада, дунёнинг исталган бурчағига етиб борар экан, дунёда-



бир-бир кўра бошлади. Баъзи бир шеърларни овоз чиқариб ўқиди. Китоб ортидаги «шоири замон»ларнинг расмларга синчиклаб тикилди.

Шундай китоблардан бўлган, З.Мирзоевнинг «Тун маликаси» китобини varaқлаб, анчайин титкиларкан:

— Бир фалсафа борға ўхшайди, — деб қўйди.

Шунда мен ёзувчини ўзимча кашф этгандай бўлдим. Хаёлимга, бу буюқ ёзувчи, донишмандларга хос заковат билан ҳаётдаги ҳар бир ҳодисадан ҳамиша улуг бир мантқиқ излаб яшайди, унинг юрағига мангу ўчмас галаён олови ёқиб қўйилган деган фикр келди.

— Бу китоблар, албатта Европа ўқувчисининг назарида ниҳоятда содда туюлса керак, — дедим, худди китоблардан камчилик чиқиб қоладигандай.

— Шеър ҳам баъзида гулға ўхшайди. Гул қаерда бўлмасин, у барибир гул. Қадри ҳам, гўзаллиги ҳам ҳамма жойда бирдай. Тошкентдан гул кўтариб келсангиз, ҳеч ким унинг гул эканлигини инкор этмагандай, бу шеърлар парижликларга балки маъқул тушар.

— Назаримда, адабиёт авваллари бир хил эди... Энди эса ўқиладиган нарсалар шу қадар кўпайиб кетди-ки... Ўқийвериб одамнинг умри ўтиб кетаяпти.

— Ўқиб ҳеч қачон зиён қилмайди. У одамнинг дунёқарашини бой-тилади. Албатта, ҳар бир ўқилган нарсадан хулоса чиқариш керак. Ҳар биридан, лекин чалғиб кетмаслик лозим.

— Бизнинг ёзувчиларимиз авваллари рус тили орқали дунёга

— Четдан қараганда, чет элликлар энгил-елли саргузашт романларга руҳ қўйишгандай туюлади. Аслида ундай эмас. Бу ерда қийин китобларни ҳам кўп ўқишади. Яқинда Германияда сўнгги романим бир миллион нусхада чоп этилди.

Чингиз Айтматов бамайлихотир гапирарди. Лекин у киши ўз «сир»ларини очётгани қайфияти яхши эканлигидан далолат бергани учун эрқаланиб:

— Бир савол берсам, гашингизга тегмайми? Нега сизга Нобел мукофоти беришмаяпти, — дейман ва ўз саволимдан бироз хижолат ҳам тортиб қўяман.

— Авваллари, мени коммунистларга хизмат қилганликда айблашарди. «Асрга татигулик кун» романим чиққач, вазият бироз ўзгаргандай бўлди. Кейин, «Нега энди бизга хизмат қилмаяпти», деган тўмтоқ тўхтамга келиб, ишни ортга сўриб қўйишди. Лекин, номоздим ҳарқалай ети-саккиз марта қўйилган. Ҳозир мукофотларга қизиқиш ёшидан анча ўтганман десам, кўпма гўмонсирайвермасдан ишонаверинг.

— Яқинда, «Аргументы...» газетасида жуда зўр интервьюингизни ўқидим. Сўхбат асосида бир-икки айтиб ўтилган исломга бўлган муносабатингиз мени қизиқтириб қолди.

— Авваллари, ислом деганда Фаробий, Навоий, Яссавий, Ибн Сино каби донишмандларни дунёга тортиқ қилган дин тушунарлиди. Энди эса, ислом деганда бир гала террористлар, бузғунчилар тушуниллапти. мана шу нарса асабга тегади. Буюқ дин номидан иш қўриб юрган газандалар нафра-

ги ҳар бир одам, ҳар бир маданият бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлигини тан олай илож йўқ. Энди дунёни масофалар эмас, чегаралар эмас, згулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлиқкина ажратиб туради. Инсоният эса ҳамиша згуликка, яхшиликка интилиб яшайди.

Чингиз Айтматов бамайлихотир гапирарди. У дунё мўжесида фикрловчи ҳақиқий донишманд эди. Кўнглимда, яхшиямки, шундай одамлар бор, уларнинг шарофати билан дунё ўз мутаносиблигини, мувоzanатини сақлаб турибди. Инсон қалби нақадар гўзал, инсон заковати нақадар мўқаддас эканлигини, мана шундай одамлар оламга кўрсатиб турибди, деган туйғулар кечади.

Бу пайтга келиб, самолёт Тошкентга яқинлашиб қолганлиги эълон қилинди. Чингиз Айтматов иллюминатор томон ўтирилди. Ойналарида, у ўз асарларида кўп бора мадҳ этган она Ўзбекистон солла-ни кўринарди.

Ўзбекистон унинг учун нақадар ардоқли эканлиги кўзаларидаги севинчада яққол акс этар, беихтиёр тараддулга тушиб қолганлигини кўриб, мўқаддас соғинч туйғуси уни қанчалик безовта этаётганини ва бу безовталики замирида бениҳоя улуг меҳр-муҳаббат мўжассамлиғидан қалбимда гуруруй-гонди. Уримдан туриб, ёзувчининг қўлларидан сиқар эканман, ҳақиқатан бир товуш билан илтифот қила бошладим.

— Хуш келдингиз, Чингиз оға!

Мухаммад ИСМОИЛ,
Париж-Тошкент

ДЕТЕКТАРИХДА

19-25 июль

1976 йил 19 июль. XX асрининг бемисл ўғирлиги содир бўлди. Гангстерлар гуруҳи Ницца марказида жойлашган «Сосьете женераль» банки марказий бўлимининг зирқли омборхонасига йўл топишди. Жиноятчилар бу ерга шаҳар канализацияси орқали кириб келишди. Жами 46,5 миллион франкни ўмариб кетишди. Ўғирлик тарихида ҳали бунақаси бўлмаганди!

1944 йил 20 июль. Гитлерга уюштирилган суиқасд муваффақиятсиз чиқди. Омон қолган фюрер 5 минг нафарга яқин кишини қатл эттирди, шу жумладан, суиқасднинг бош ижроисчи полковник фон Штауфенберг ҳам отиб ташланди. Гитлер ерости қароргоҳида кенгаш ўтказаятган вақтда соатли механизм ва бомба солинган портфелни айнан у кўйган эди. Бирок тасодиф туфайли режа барбод бўлди.

Фон Штауфенберг қароргоҳнинг мажлислар залига кирганида кенгаш бошланиб кетган эди. Генерал Хойзингер фронтдаги аҳвол ҳақида ахборот беради. Полковник Гитлерга яқинроқ бўш жойни эгаллаб, портфелни кенг саҳнли ёғоч стол устига қўйди. Шундан сўнг полковник иш юзасидан кўнгирик қилмоқчи эканини айтиб, хонани тарк этади. Кенгаш иштирокчиларидан бири тасодифан портфелга тегиб кетди ва уни ёғоч тўсин панасига суриб қўяди. Соат 12 дан 42 дақиқа ўтганда кучли портлаш рўй беради ва айнан шу тўсин Гитлери муқаррар ўлимдан сақлаб қолади.

ХАНГОМАЛАР**БОЗОР ТОҒА НИМА ДЕЙДИ?**

Бозор тоғанинг қирқ йилдан бери папирос чекишини кўпчилик билади. Бир куни дўхтир кўшнлари Сотти ака Бозор тоғага чекишнинг зарари тўғрисида гапирибди:

- Хайронман, Бозор тоға, шунча йилдан бери чекасиз, шуни фойдасини сездингизми?
- Нима, фойда қилиш учун чекиш керакми?
- Йўқ, энди айтияпман-да. Сигаретда никотин бор, бир томчи никотин отни ўлдирди, шуни биласизми?
- Шунда Бозор тоға хайрат бармоғини тишлаб:
- Йўғ-е! Унда мен отдан ҳам бакуват эканман-да, а? — дебди.

Хотини Бозор тоғага болаларнинг ширинликка ўчлигини айтиб, дийди қилибди:

- Бу болаларингизни дастидан уйда ширинлик турмайди. Уйга бирорта меҳмон келса, олдида қўядиган ҳеч вақо йўқ!
- Унақа бўлса, — дебди Бозор тоға, — ўша қанд-курсингни сандиққа солиб, катта қулф уриб қўй!
- Сандиққа ҳам яшириб қўйдим, ўша ердан ҳам топиб ейишди...
- Хай, ман нима қўлай энди?
- Болалар сиздан ҳайкади, бир-икки оғиз хай-хўй деб қўйинг.
- Шунда Бозор тоға:
- Мендан ҳайкадиган бўлишса, ўша ширинлик яширадиган сандиқнинг устига менинг расмимни қўйиб қўй, — дебди.

АЖАБО**ЮТУҚ ЭГАСИ ҚАМОҚДА**

Америка одил судлови навбатдаги боши берк кўчага кириб қолди. Гап шундаки, қамоқхоналардан бирида жазо муддатини ўтаётган Брайан Мак Класки кутилмаган тасодиф туфайли бир миллион доллар пулга эга бўлиб қолди. У билан бир камарада ётган шериги университет талабаси бўлиш ораусида турли фанларни ўлаштириб борарди. Бирок физикага элганда бир оз қийналди. Шу сабабдан у ҳамхонаси Мак Класкидан бу борада ёрдам беришини илтимос қилди. Ушбу фан бўлишига билимга эга Мак Класки ҳамхонасининг илтимосини ерда қолдирмади. Бунинг эвазига эса ундан бир қутти машҳур M&M конфетини мукофот сифатида қабул қилди.

Буни қарангки, айна шу пайтда M&M конфетларини ишлаб чиқарувчи компания бир миллион доллар миқдоридagi пул соврини бўлган ўй ўтказаятган эди. Унинг шарти эса жуда оддий: кутинани сотиб олган киши ундан 3 хил рангдаги конфетни топиб олса, ютуқ уники. Худди шундай бўлди ҳам. Мак Класки совгага олган қутти ичидан худди ўша — оқ, қўқ ва пушти рангдаги конфет чиқиб қолди. Шундай қилиб ютуқнинг қонуний эгаси бўлиш, ҳали қамоқда бир йил бўлиш керак бўлган жиноятчиға насиб этди.

Эндиликда у пулни ҳозир оладими ёки озодликка чиққандан сўнг, буни суд ҳал қилади.

ҲАЖВИЯ**ТОШПЎЛАТ «ТЎРВА»**

«Ушбу танловни ўтказиш учун корхона ва ташкилотларни ҳамда хусусий тадбиркорларни ҳомийликка чақирамиз», деб илова ҳам беришибди.

Холтўра ферманинг гапига тавakkал қилиб, чоғроқчина тўрвани елкамга ташлаб, танлов ташкилотчиларининг олдиға бордим.

— Узимга ўзим ҳомийлик қиламан, денг? — деди думалоқдан келган, ўзини Сайрамов деб таништирган киши муғомбирона ишшайиб. — Нима ҳам дердик, жуда соз! Сиз голиб бўласиз, биз эса «тадбирни ўтказдингми, ўтказдик» қабилида бир балодан қутуламиз...

Тўрвани кетдириб чиқ...

Танловда голиб бўлдим-у, ишларим юришиб кетди. Нарҳим кўтарилиб, тумандаги казо-казоларнинг тўйи менсиз ўтмайдиган бўлди.

Тожи омборнинг тўйида Холтўра фермани учратиб қолдим.

— Ха, дада, ишлар қалай, — деди Холтўра ферма эрқалаганнамо тарзда. Мен: «қалай эмас, олтин» дедим. — Эшитдим, тўрванг бакуват экан, танлов голиби бўлибсан. Яқинда вилоятда ҳам шунақа танлов бўлишидан хабаринг борми?.. Ҳозир ҳомийлар қидирилмоқда, бир уриниб кўрсанг бўларди. Ҳар ҳолда сенники ёпишади...

Суриштирсам, вилоят миқёсидаги бу тадбирнинг жори раиси божамнинг холаваччаси экан. Тавakkал деб, тўрвани елкага ташлаб, божани орқа қилиб олдиға бордим.

— Ўзи ҳомий қидириб юривдик, келганингиз яхши бўлди-да. Ўзини кўнгирик мукофот бўлади-да. Биздан эса битта қоғоз, — деди божамнинг холаваччаси тўрвага ўғринча

кўз ташлаб. — Бунақа касбиз борлигини билмаган эканман-да. Яхши, бу ишингиз сизга ҳам пилус, бизга ҳам пилус...

Холтўра ферма авлиё экан, бу танловда ҳам ишим пилус томонга силжиди. Қувончлиси шундаки, бу танловнинг голиби тўппа-тўғри катта танловларга қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритаркан.

Мевалар гарж пишиб, тўйгарчилик авжга чиққан дмлар эди. Вилоятдан кўнгирик қилиб қолишди. «Тайёргарчиликни шах қилинг, бир ойдан сўнг катта кўрик-танловга борасиз. Ҳозир ҳомийлар қидирилмоқда. Голибни енгил автомашина кутаяпти».

Чамалаб кўрсам, тўрваннинг кучи машинага етмаскан.

Кеча Холтўра фермага маслаҳат солсам, «қариндош-уруғ, ёр-биродарларинг йўқми?» деб зарда қилиб берди. Шу зардани кўнгирилда тўйиб, таниш-билишларинг эшигида сарғайиб юрибман, денг. Шу тўрвани тўлдирсам, танлов голиблиги тўрвада, тўёс, қўлимда бўлиши ҳеч гап эмас...

Илҳом ЗОИР



Олтин олма, дуо ол!

КРОССВОРД

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
14			15				16					17
18		19	20			21	22		23		24	
25	26				27				28			
29	30	31		32	33		34	35			36	
37				38			39				40	
41			42	43		44	45			46	47	
48	49				50				51			
52	53	54		55	56		57	58		59		
60			61				62			63		
64			65	66		67	68			69	70	
71		72			73				74			
75	76	77			78	79		80	81			
82				83				84				

Буйғай: 1. Қизғанчиқ, хасис. 2. Резинали оёқ кийими. 3. Лаҳза. 4. Кишининг исми. 5. Омоч. 6. Новча. 7. Товуш. 8. Ер йўлдоши. 9. Аёллар бош кийими. 10. Ун қоримаси. 11. Қирмизи ранг. 12. Ҳид. 13. Вақт ўлчов бирлиги. 14. Суюқлик солинадиган қопқоқли идиш. 19. Санат корхонаси. 20. Ўймоқ уй жиҳози. 21. Бошқоқли галла усимлиги. 22. Сув омбори. 23. Маҳозий асар. 24. Озгина соч туттаи. 30. Андза. 31. Сатҳдан анча паст. 32. Қўл иши билан шугулланувчи ҳунарманд. 33. Исо пайгамбарнинг туғилган куни. 34. Ургочи қорамол. 35. Қўли очик, саҳий одам. 36. Бугда пиширилдиган таом. 41. Суюқ металл. 42. Қўл артиладиган мато. 43. Мева сувидан тайёрланган қуққ қийм. 44. Йигитнинг кўрки. 45. Ишинг бошламаси. 46. Айланма барабани тўппонча. 47. Тилак, хоҳиш. 53. Бинонинг безатилган олд қисми. 54. Мусулмончилик шартларидан бири. 55. Бўшаган, ланж. 56. Овқат ичишга мўлжалланган рўзгор буюми. 57. Қирғин, қирилиш. 58. Кир ювиш воситаси. 59. «Насл»нинг укаси. 64. Савол белгиси. 65. Мазмун ўлчамдаги қоғоз. 66. Икки қўлдан чиқади. 67. Иккдор аксел. 68. Оддий. 69. Қулранг пўлатсимон қаттиқ металл. 70. Поездларнинг асосий состави. 76. Отни ҳайдаш. 77. Қўрсаткич олошми. 78. Мусикий нота. 79. Мотоцикл русуми. 80. Юз квадрат метрга тенг ўлчов бирлиги. 81. Мусикий нота.

Энига: 2. Пальма меваси. 6. Мусика асбоби. 10. Корхона ишчиси. 14. Сажадоҳдек муқаддас. 15. Хотинлар тўйга олиб борадиган тортиқ. 16. Зарб билан нафас чиқариш. 17. Мусикий нота. 18. Пойабзалдўзалар асбоби. 20. Сиеҳдон. 22. Туман раҳбари. 24. Самолёт русуми. 25. Йўловчи ташувчи самолёт. 26. Тарози кўрсаткичи. 27. Куннинг иккинчи ярми. 28. Карвонсарой. 29. Ранг. 31. Нарсанинг 4/1 қисми. 33. Айириш амали белгиси. 35. Наврўз таъми. 37. Исроф бўлмоқ. 38. Гапта уста одам. 39. Шаффоф, мусоффо. 40. Ўятнамдаги дарё. 41. Тригонометрик функция. 43. Қорва моллари учун тайёрланган ўт. 45. Қуритилган ўт. 47. Уй ҳаймаси. 48. Тўқув материали. 49. Христиан динидagi монах. 50. Биров учун ўз қонини берувчи киши. 51. Узун кўнжли миллий оёқ кийими. 52. Уялиш тўғриси. 54. Ёш қўчат. 56. Ерга қоқиладиган темир. 58. Сомонранг от. 60. Ҳўрларнинг йирик тури. 61. Доғли экинларнинг пояси. 62. Ҳамза Ҳажимзодиннинг тахаллуси. 63. Вертелёт русуми. 64. Тилсиз, гунг. 66. Аралаш, дурлаг. 68. Пўлат симдан тўйилган қант. 70. Бюгловчи сўз. 71. «Ейинг» акаси. 72. Гамлаб қўйилган нарсас. 73. Ёввойи чўчка. 81. Қуялик даражаси. 75. Очқанди. 77. Йирик аҳоли пункти. 79. Матонат, қатъят. 84. Киши ором оладиган ҳол. 82. Тескари минора. 83. Энг охири фарзанд. 84. Қавазда ашвовчи миллат.

Тузувчи: Илҳом

Газетанинг ўтган сонидида берилган кроссворд жавоблари:

1. Капалак. 2. Қурак. 3. Қўрик. 4. Қўқ. 5. Камалак. 6. Қузақ. 7. Қўмақ. 8. Қўприк. 9. Қоньяк. 10. Қомик. 11. Қубик. 12. Қаррак. 13. Қўрк. 14. Қаклик. 15. Қесак. 16. Қучук. 17. Қоньяк. 18. Қатак. 19. Қўрак. 20. Қук. 21. Қурак. 22. Қадиллак. 23. Қерак. 24. Қўллак. 25. Қодак. 26. Қалтакесак. 27. Қоптоқ. 28. Қалтак. 29. Қекирдик. 30. Қек. 31. Қелинчак. 32. Қийик. 33. Қепак. 34. Қиприк.

9 — САҲИФА

Яна икки кундан сўнг эртани кеча деймиз